

12-В/39-сонли ШАРТНОМА
бланкаларни тайёрлаш учун

2022 йил 20.01

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "DAVLAT BELGISI" Давлат унитар корхонаси бундан бўён "Бажарувчи" деб аталган ҳолда, Уставига асосланиб фаолият юритувчи Бош директори Б.Д.Джумаев, бир томон бўлиб ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги Наманган вилоят Наманганд туман тиббиёт бирлашмаси номидан босе брағи Рабишонбек Сироатбеков Тимурбек (лавозими ф.и.ш)

келгусида "Буюртмачи" деб аталган ҳолда, корхона Низомига мувофиқ иш юритувчи иккинчи томон бўлиб, (кейинги ўринларда "Тарафлар" деб аталади) ушбу шартномани 2022 йил 13 январдаги 01-09/53-ракамли буюртма хати асосида куйидагилар хакида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмасига мувофиқ куйидаги маҳсулотларни ўз вактида ва сифатли ҳолда тайёрлаб беради, "Буюртмачи" эса маҳсулотларни қабул қилиб, мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ ҳакини тўлади:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот адади	1 бирлик маҳсулот учун КҶС сиз (сўм, тийин)	1 бирлик маҳсулот учун КҶС билан (сўм, тийин)	Жами КҶС сиз (сўм, тийин)	Жами КҶС билан (сўм, тийин)
I.	Таркибидаги гиёхвандлик воситаюриши бўлган дориларни олиш ҳукукини берувчи рецепт бланкалари	дона	5 000	1 939-00	2 229-85	9 695 000-00	11 149 250-00
Жами:							11 149 250-00

II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов тартиби

2.1. Шартноманинг умумий суммаси КҶС билан: 11 149 250-00 (ўн бир миллион бир юз қирқ тўққиз минг икки юз элий) сўм 00 тийинни ташкил килади.

2.2. "Буюртмачи" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли ҳамда 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 16 марта 139-сонли Карорлари талабларига асосан тайёрланадиган маҳсулот кийматининг-30 фоизини шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатидан ўтганидан сўнг "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган ҳисобга асосан 15 кун мобайнида олдиндан ҳак тўлади.

2.3. Маҳсулот тайёрлаб берилгандан сўнг "Буюртмачи" "Бажарувчи"га мазкур шартнома суммасининг колган 70 фоизини "Бажарувчи" томонидан берилган ҳисоб-фактурага асосан 10 кун ичига тўлади.

2.4. Тайёрланиладиган маҳсулотнинг нархи, катъий белгиланган ҳисобланмайди ва уни тайёрлаш пайтидаги нархни белгиловчи кўрсаткичлар (ойлик иш ҳаки, асосий материаллар ва энергия ресурслар) нархи ўзгарганда, "Бажарувчи" маҳсулот бирлигининг нархини ўзгартириш ҳукукига эгадир. Маҳсулот нархи ўзгарган тақдирда "Бажарувчи" асосий шартномага янги нарх киритилган кўшимча келишув ва нарх келишув баённомаси тақдим этади.

III. Маҳсулотларни тайёрлаб бериш муддати, тартиби ва қабул қилиш шартлари

3.1. Мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра олдиндан тўланадиган сумманинг 30-фоизи тўлангандан сўнг "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган маҳсулотларни 3.2. Бандида кўрсатилган амалиёт тўлиқ бажарилганидан сўнг 40-кун мобайнида тайёрлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Тўлов амалга оширилишидан олдин маҳсулотнинг асл нусхаси "Буюртмачи" томонидан "Бажарувчи"га тақдим этилади ва шу асл нусхага мувофиқ "Бажарувчи" "намуна" тайёрлаб "Буюртмачи"га беради "Буюртмачи" эса ушбу "намуна"ни тасдиклаб "Бажарувчи"га қайтаради.

3.3. "Бажарувчи" буюртма тайёр бўлганлиги ҳакида "Буюртмачи"га телефон орқали ёки хат ёзиб маълум қилади. "Буюртмачи" маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳакидаги маълумотни олгандан кейин 10 кун ичига маҳсулотни олиб чиқиб кетиши шарт.

3.4. Тайёр маҳсулотлар олиб чиқиб кетиши "Буюртмачи"нинг ваколатли шахслари орқали, унга берилган ишончнома ва паспорт тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

3.5. Эҳтиёж тугилганида кафолат хатлари орқали маҳсулотлар берилиши мумкин. Бунда карз бўлган сумма бўйича тақкослаш далолатномаси тузишлиси лозим.

3.6. "Буюртмачи"нинг вакили маҳсулотларни мазкур шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда "Бажарувчи"нинг вакили иштироқда кўриб, қабул қилиб олиши шарт.

3.7. Маҳсулотларни қабул қилиб олиш жараённида камчиликлар аникланса, "Буюртмачи"нинг вакили бу тўгрисида "Бажарувчи"нинг вакилига дарҳол маълум килиши шарт. Маҳсулотларни қабул қилиш жараённида аниклаш имконияти бўлмаган (яширин) камчиликлар аникланганда, тарафлар мазкур шартноманинг 5.1-банди ва конунчиликда белгиланган қоидаларни кўллайдилар.

3.8. "Буюртмачи"нинг тайёр маҳсулотнинг сонига бўлган эътиоролари "Бажарувчи" томонидан маҳсулот топширилганидан сўнг инобатга олинмайди.

IV. Маҳсулот сифати

4.1. Маҳсулотнинг сифати тасдикланган асл нусхага ва таснифда кўрсатилган техникавий шартларга мувофиқ келиши керак.

V. Эътиоролар

5.1. Маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб бера олмаслиги нуксон далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Нуксон далолатномасида аникланган камчиликлар аниқ баён этилиши керак. Мутахассисларнинг холосаси илова қилиниши мумкин.

5.2. Нуксон далолатномасини изолашга "Бажарувчи"нинг вакили тақлиф этилади. Агар тақлиф этилган вакил тақлифномани олган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида етиб келмаса унда нуксон далолатномаси "Буюртмачи"нинг вакили томонидан изоланади.

5.3. Нуксон далолатномаси икки нусхада тайёрланади ва унинг бир нусхаси "Бажарувчи"га юборилади.

5.4. "Бажарувчи" 3 (уч) кун муддат ичига нуксон далолатномасида баён этилган маҳсулот сифатининг номувофиқлиги мохияти юзасидан ёзма равишда жавоб бериши керак.

5.5. "Буюртмачи"нинг маҳсулот сифатига бўлган эътиорози "Бажарувчи" томонидан инобатта олинган тақдирда "Бажарувчи" камчиликларни оқилона муддатда бартараф этади ёки маҳсулот нархини мутаносиб равишда камайтиради.

VI. Томонларнинг мажбуриятни

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарашётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши кураши тўгрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришини тақлиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "DAVLAT BELGISI" ДУК ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилиши кафолат беради.

VII. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Агар тайёрлаб берилган маҳсулот сифати, ассортименти бўйича техник шартлар, намуналарга, шартномада келтирилган шартларга мос келмаса, «Буюртмачи» маҳсулотни қабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тұлашни рад этиб, тайёрлаб берувдан сифати, ассортименти лозим даражада бўлмаган маҳсулот кийматининг 5 фоизи микдорида жарима ундириб олишига, агар маҳсулот ҳаки тұлаш қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.2. Агар «Буюртмачи» буюртмани «Бажарувчи»га топширганидан кейин уни давом эттиришни хохламаса, у холда олдиндан тўланган ҳақнинг маълум кисми яъни, «Бажарувчи» бажарган ишлар кийматининг тўлаш ва у кўрган зарарни коплаш учун ушлаб колинади.

7.3 «Буюртмачи» тайёр маҳсулотни кўрсатилган муддатда олиб кетмаса, ўтказиб юборилган кунга «Бажарувчи»га омборда сакланганидан келиб чиқсан зарар учун маҳсулот кийматининг 5 (беш) фоизи микдорида жарима тўлади.

7.4 Ётказиб берилган маҳсулот ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун «Буюртмачи», «Бажарувчи»га ўтказиб юборилган хар бир календарь куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлади.

7.5 Бошқа холатларда тарафлар («Буюртмачи», «Бажарувчи») мажбуриятларини лозим даражада ёки умуман бажармаганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли нормалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда амалдаги конунчилик асосида жавобгардирлар.

VIII.. Форс-мажор

8.1. Томонлар хохиш иродасидан ташқари юзага келадиган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор (сув тошкни, ёнгин, ер кимирлаши ва бошқа табиий оғатлар ва х.к.) холатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун бир бирлари олдида жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу холатларни мавжудлигини ишончли исботи хисобланади.

8.2. Шартноманинг 8.1 бандида назарда тутилган холатлар юзага келган тақдирда шартларни бажармаётган тараф мазкур холат юзасидан ва ушбу холат шартларни бажаришга таъсир этаётганлиги ҳакида хабар бериш керак.

8.3. Шартноманинг 8.1. бандида назарда тутилган енгилмас кучлар холати охириги уч ой давомида давом этса «Бажарувчи» ёки «Буюртмачи» томонидан иккинчи тарафа билдиришнома юбориш билан мазкур шартномани бекор килиниши мумкин.

8.4. Форс-мажор холатига асосан мажбуриятни бажариш тўхтаб колганда «Бажарувчи» ёки «Буюртмачи» келтирилган зарарни коплашни талаб кила олмайдилар.

IX. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Ушбу шартномадан келиб чикадиган низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Келишувга эришилмаган тақдирда томонлар низоларни ҳал этиш учун конунчиликка мувофиқ иктисадий судига мурожаат этадилар.

X. Якуний қоидалар

10.1. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига кўра ёки улардан бири томонидан шартнома шартларини бошқа томон жиддий бузган тақдирда бекор килиниши мумкин.

10.2. Тарафларнинг юридик манзиллари, телефон, факслари, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда улар иккى кун муддат ичida бир-бирларига бу ҳакида маълумот беришга мажбурдирлар.

10.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

10.4. Мазкур шартнома томонлар имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Бажарувчи»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
“DAVLAT BELGISI” ДУК

Почта индекси: 100053

Манзили: Тошкент шаҳар,

Юнусобод тумани, Богишамол кўчаси, 160 «А»
хисоб раками: 21596000305108789001

МФО: 00014

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент шаҳар Бош бошкармаси XKKM

ИНН: 306612737

ҚҚС коди: 326030048929

ОҚЭД: 18120

Тел./факс: 71-209-02-73, 234-46-01, 234-06-31.

«Бажарувчини

номидан раҳбар:

Ишлаб чиқариш
бошкарма бошниги

Бош бухгалтер

Юридик хизмат

Шартнома ижрочиси Г.А. Иргашев

«Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Наманган вилоят Наманган туман тиббиёт бирлашмаси

Почта индекси:

Манзили: Наманган вилояти, Наманган тумани.

Тошбулук шаҳарчаси, Нурафшон кўчаси, 46-үй.

хисоб-китоб вараги:

4003

МФО: 00014

ИНН: 200081812

ОҚЭД: 9/5/11

ҚҚС коди:

Тел./факс: 93-677-13-77, 93-216-58-00.

«Буюртмачи»

номидан раҳбар:

P.U. Генирбз



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№LI61212775

1. Loyihaning turi. SHartnoma

2. Loyihaning nomi.

Namangan tuman tibbiyot birlashmasi va "DAVLAT BELGISI" davlat unitar korxonasi bilan 11149250so`mlik blankani etkazib berish shartnomasini tuzish to`g`risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

SHartnoma loyihasi Namangan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 20.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti
2022 yil 20 yanvar.**



B.To`raboev